

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНОВА ШОҲИДА АЛИБЕК ҚИЗИ

**АРРАЛИ ТОЛА АЖРАТИШ МАШИНАСИДА ПАХТА ТОЛАСИНИ
АРРА ТИШЛАРИДАН ЕЧИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш ихтисослиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
ontechnical sciences**

Хусанова Шохида Алибек қизи

Аррали тола ажратиш машинасида пахта толасини арра тишларидан ечиб олиш
жараёни самарадорлигини ошириш..... 5

Хусанова Шохида Алибек қизи

Повышение эффективности процесса съема хлопкового волокна с зубьев пил на
пильном волокноотделителе..... 25

Khusanova Shoxida Alibek qizi

Increasing the efficiency of the process of removing cotton fiber from the saw teeth
on a saw fiber separator..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 66

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНОВА ШОХИДА АЛИБЕК ҚИЗИ

**АРРАЛИ ТОЛА АЖРАТИШ МАШИНАСИДА ПАХТА ТОЛАСИНИ
АРРА ТИШЛАРИДАН ЕЧИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш ихтисослиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T2707 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника ва Наманган муҳандислик-технология институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саримсаков Олимжон Шарипжанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Назиржон Муҳаммаджонович
техника фанлари доктори, доцент

Ҳакимов Шерқул Шерғоziевич
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил “10” сентябр соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3-биноси, 2-қават, 313-хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (470-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022 йил “30” август куни тарқатилди.
(2022 йил “30” августдаги № 80-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, доцент

Қ.М.Холиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорида пахта толасининг тури, нави, сифат ва миқдор кўрсаткичларига унинг истеъмол хусусиятларини таъминловчи кўрсаткичлар сифатида алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Халқаро консултатив қўмита (ICAC) маълумотларига қараганда «Дунё бўйича пахта толаси ишлаб чиқариш йилига 25,68 миллион тоннани ташкил этади, шу билан бирга жаҳон миқёсида пахта толасининг истеъмоли 26,7 миллион тоннагача кўтарилиши кутилмоқда»¹. Шунга кўра, пахта толасини экспорт қилувчи мамлакатларда пахта толаси ва уни сифатига бўлган талаблар нисбатан юқори бўлиб, улар халқаро пахта бозоридаги нуфузини сақлаш учун маҳсулот сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятини берувчи ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий қилишга катта эътибор қаратадилар.

Жаҳонда пахта маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши сабабли йирик пахта етиштирувчи мамлакатларда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш ва уларни илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, жараёнлар математик моделларини ишлаб чиқиш ва оптимизация усуллари ёрдамида пахтага ишлов берувчи машиналар иш унумдорлигини ошириш, ишчи органлари ресурстежамкор конструкцияларини яратиш, машиналарнинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш ҳисобига олинаётган пахта толаси табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қилинаётган тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, аррали тола ажратиш машинаси учун маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган, ресурстежамкор ишчи органлар конструкцияларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш масалалари барча пахта етиштирувчи мамлакатлар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда пахта, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармонида «...тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш,... саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш, ... саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш» вазифалари белгилаб берилган². Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда, аррали тола ажратиш

¹ <https://www.theworldcounts.com/challenges/consumption/clothing/world-cotton-production-statistics/story>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармони.

машинасининг арра тишларидан толани ечиб олишда ресурс тежовчи, жараён самарадорлигини оширувчи ва толанинг табиий хусусиятларини максимал даражада сақлаб қолишга имкон берувчи ҳаво пуркаш қурилмасининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш бугунги кунда мамлакат пахта саноати олдидаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 21 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 16 ноябрдаги «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари ва 2021 йил 10 ноябрдаги «Пахта хомашёсини етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 9 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва техноло гиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жиннинг ишчи органларини такомиллаштириш, ресурсларни тежаш, машина иш унумдорлигини, ишчи органларини самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари бўйича хорижда S.Z.Hall, T.Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, (Англия), A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk, E. Whitney (Америка) ва бошқалар кенг кўламли тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек, аррали тола ажратиш жараёнининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, жин машинаси ишчи параметрларини аниқлаш, самарадорлигини ошириш, тола табиий хусусиятларини сақлаб қолиш билан боғлиқ масалалар бўйича, мамлакатимизда, Б.А.Левкович, Т.Д.Забрамный, Г.Д.Джаббаров, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, В.С.Фёдоров, Н.Г.Гулидов, Ф.А.Дюжев, Р.Г.Махкамов, И.Т.Максудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Х.Т.Ахмедходжаев, Б.М.Марданов, Н.З.Камолов, А.П.Парпиев, А.Джураев, Ш.П.Алимухамедов, Р.Муродов, Ш.Т.Эргашев, Р.Сулаймонов, О.Саримсаков, К.Собиров, И.Собиров, М.Абдувоҳидов, Д.Мухаммадиев, С.З.Юнусов, А.Умаров, А.Саримсаков, К.Ортиқова ва бошқалар изланишлар олиб бориб, муайян натижаларга эришганлар. Аммо, аррали тола ажратиш жараёнида маҳсулот дастлабки сифатини сақлаб қолиш, аррали жин машинаси учун ресурстежамкор ишчи органлар яратиш

ва жорий қилиш орқали махсулот таннархини пасайтириш масалалари ҳалигача ўзининг самарали ечимини топган эмас.

Шунингдек, аррали жинлаш машиналарида ишчи цилиндр арралари тишларидан толани ечиб олувчи қурилманинг ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш бўйича чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмаган, жин арраларининг мавжуд ресурсларидан юқори даражада фойдаланиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жин арраси тишлари профили ва арра тишларидан толани ечиб олувчи қурилмани такомиллаштириш ҳисобига жинлаш жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда пахта толаси ва чигит бошланғич сифатини сақлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

арра тишларидан толани ечиб олишнинг мавжуд жараёни усул ва воситалари, уларнинг устунлик ва камчиликларини таҳлил қилиш;

аррали жинлаш жараёнининг чигитнинг механик шикастланиши, чигитдаги қолдиқ толадорлик ва толадаги ифлослик ҳамда нуқсонлар йиғиндисига таъсирини ўрганиш;

арра тиши профилининг жинлаш ва толани арра тишларидан ечиб олиш жараёнлари самарадорлигига таъсирини тадқиқ этиш;

арра тишларидан толани ечиб олиш жараёнини назарий тадқиқ қилиш асосида жараён кўрсаткичларини баҳолаш;

назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида арра тишларидан толани ечиб олиш қурилмасининг ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта хомашёси чигитидан толасини ажратувчи машина арраси ва унинг тишларидан толани ечиб олиш қурилмалари ва уларнинг параметрлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини жин аррасининг тишлари профили ва улардан толани ечиб олиш технологияси ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида назарий ва амалий механика, математик статистика, таҳлил ва синтез, солиштириш ва баҳолаш, компьютер дастурий таъминоти ва жараёнларни оптималлаштиришнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жинлаш машинаси арраларидан толани ечиб олиш натижасида арра тишларидан толанинг тўлиқ ечиб олинмаслиги ва жараён учун сарфланаётган ҳаво ва энергия сарфи юқори бўлиши назарий-асосланган;

толани арра тишларидан ечиб олиш жараёнини тадқиқи натижасида арра тишларига ҳаво пуркаш тирқишининг арралар орасига тўғри келадиган

қисмини беркитиш ва ҳаво оқимини арра тишларига аниқ йўналтириш орқали ҳаво сарфини камайтиришни таъминловчи ҳаво соплоси конструкцияси ишлаб чиқилган;

арра тиши профили ва ўлчамларининг толани арра тишларидан ечиб олиш жараёнига, арра тиши олд қирраси оғиш бурчаги ва тиш баландлигининг тола тутамининг тишдан чиқиб кетиш вақтига таъсири аниқланган;

кўп омилли тажрибалар асосида арра тишларидан пахта толасини тўлиқ ечиб олиниши ва толанинг дастлабки сифат кўрсаткичлари максимал даражада сақланишини таъминловчи ҳаво соплосининг (жин арраси тишининг баландлиги, ҳаво пуркагич тирқишларидан бериладиган ҳавонинг тезлиги, тирқишнинг арралар орасига тўғри келадиган қисмини беркитадиган тиқиннинг кенглигини) мақбул қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

аррали жинлаш жараёни иш унумини ошириш учун арра тишлари учини ён томондан чархлаш, арра ёйи узунлиги бўйича қалинлик бериш ва қирраларини тўмтоқлаштириш йўли билан арра учини юмалоқлаш орқали толанинг арра учига илашишини бартараф қилиш ва тишнинг тола массаси орасига киришини осонлаштиришга асосланган техникавий ечим ишлаб чиқилган;

арра тишлари баландлигини 2,2 mm га ва арра тишларидан толани кафолатли ечиб олиш ҳамда бунинг учун сарфланадиган энергия сарфини камайтириш учун арра тишлари олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини 20^0 га келтириш назарий асосланган;

арранинг бурчак тезлиги ва иш унумдорлигини унинг диаметри ва арра тишининг олд қирраси оғиш бурчагининг турли қийматларига боғлиқ ўзгариши қонуниятлари таҳлил этилиб, унга кўра арра тишлари олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини амалдаги 40^0 дан 20^0 га келтириш орқали толани арра тишларидан ечиб олишни осонлаштиришга эришилган;

жин арраси тишининг баландлиги 2.2 мм, ҳаво пуркагич тирқишларидан бериладиган ҳавонинг тезлиги 65 м/с, тирқишнинг арралар орасига тўғри келадиган қисмини беркитадиган тиқиннинг кенглиги 6 мм бўлганда чигит ва толанинг сифат кўрсаткичлари ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқот натижаларининг ҳозиргача маълум бўлган ва амалдаги фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, тадқиқотларда стандарт усул ва воситалар, замонавий назорат-ўлчов асбобларидан фойдаланилганлиги, назарий йўл билан олинган натижаларни тажриба натижалари билан таққосланганда уларнинг камида 95% аниқликда ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жин арраси тишлари профилининг тола ажратиш ва толани арра тишларидан ечиб олиш жараёни кўрсаткичларига

таъсирини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар усули, ишлаб чиқилган математик моделлар ва олинган натижалар пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнининг ҳозиргача маълум бўлган назарий асосларини муайян даражада ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тақиқотларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилгани, жин аррасининг янги конструкцияси жин машинаси ишлаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифат кўрсаткичларининг амалдагига нисбатан яхшиланишини таъминланаётгани, жин арраси ва ундан толани ечиб олиш қурилмаси технологик параметрлари аррали жин машинаси самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жин арраси тишлари рационал профилини ишлаб чиқиш ҳисобига тола ажратиш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

толани арра тишларидан ечиб олиш қурилмаси ва рационал профилли тишларга эга бўлган арралар билан жиҳозланган тола ажратиш машинаси Наманган вилоятидаги “Косонсой пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекистон пахта–тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 15 октябрдаги № 02/12-281 сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқарилаётган толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушининг абсолют 0,5% га ҳамда толани арра тишларидан ечиб олувчи қурилма энергия сарфининг соатига 6 кВт га камайиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан, 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби-кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий


ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Аррали тола ажратиш машинасида пахта толасини арра тишларидан ечиб олиш жараёни самарадорлигини ошириш” деб номланган биринчи бобда аррали тола ажратиш машинаси ва жараёни ҳамда пахта толасини арра тишларидан ечиб олишга қаратилган тадқиқотлар таҳлил қилиниб, уларда асосан, аррали жинлаш технологияси, аррали дисклар диаметри, колосниклар ўлчамлари, ишчи камера ва чигитни ажратиш, толани ечиб олиш, технологик тирқиш ўлчамларини асослаш, пахтани таъминлашни меъёрлаш масалалари кўрилган бўлиб, жин машинасида ишчи цилиндр арралари тишларидан толани ечиб олувчи қурилманинг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш, параметрларини асослаш бўйича чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмагани, жин арраларининг мавжуд ресурслардан тўлароқ фойдаланиб, жинлаш жараёни самарадорлигини ошириш имкониятини берувчи арра тишлари конструкцияси ишлаб чиқилмагани таъкидланган.

“Арра тишларидан толани ечиб олиш қурилмасини лойиҳалаш асослари”, деб номланган иккинчи бобда чигитдан ажраган толаларнинг жин машинаси аррали цилиндрдан ечиб олиш жараёнини ўрганиш ва такомиллаштириш мақсадида қилинган ишлар ёритилган.

Тажриба ўтказиш учун 30 аррали жин қурилмаси тайёрланган. Бу, нисбатан камроқ ресурс ва меҳнат харажатлари билан амалий тадқиқотлар ўтказиш имконини беради. Қолаверса, 30 аррали ва 130 аррали жинларни ишчи камерасида ҳосил бўлган хом-ашё валикларини айланиш тезлигини солиштириб кўрилганда улар орасида фарқнинг катта эмаслиги аниқланди. Шунга кўра жин машинасининг 30 аррали тажриба ўтказишга мўлжалланган қурилмаси ва ўлчов-назорат асбоб-ускуналари ҳамда шунга мос хомашё захираси тайёрланди.

Қурилма ишлаганда, пахта бункер 1 га солинади. Бункер 1 дан таъминлаш валиклари 2 ёрдамида қозикли барабан 3 га узатилади, қозикли барабан 3 ёрдамида пахта титилиб тўрли юза 4 га урилиб майда ифлосликлардан тозаланиб, тарнов орқали жин машинаси ишчи камераси 8 га келиб тушади. Ишчи камерада пахта аррали цилиндр 9 тишлари ёрдамида илаштириб олиб хом ашё валигини ҳосил қилади. Арра тишларига илашган тола колосниклар 10 орасидан ўтиб чигитдан ажралади, колосниклар орасига сиғмаган чигитлар ўз оғирлиги таъсирида пастга тушиб кетади. Аррали цилиндр тишларига илашган тола соплло 11 дан чиқаётган ҳаво орқали ажратиб олинади. Сопллодаги ҳаво оқимини жин машинасига алоҳида ўрнатилган вентилятор 6 орқали ҳосил қилинади (1-расм).



1-бункер; 2-таъминловчи валиклар; 3-қозиқчали барабан; 4-тўрли юза; 5- электродвигатель; 6-винтелятор; 7-тола йиғувчи қоп; 8-ишчи камера, 9-аррали цилиндр; 10-колосник; 11-сопло

1-расм. Жин машинасининг 30 аррали тажриба ўтказишга мўлжалланган қурилмаси

Пахта тозалаш саноати ҳам электр энергияни катта хажмда истеъмол қиладиган корхоналар сирасига киради. Биргина чигитдан толани ажратиш жараёнида арра тишларидан толани ажратиб олиш учун соатига 22-30 кВт электр энергия сарф этилаётганини кўришимиз мумкин.

Маълумки, аррали жинларда аррадан толани ажратиб олишда 2 хил тола ечиш қурилмалари қўлланилади. Булар ҳаво ёрдамида ажратиш ва чўткали тола ечгичлардир.

Ҳозирги кунда Республикамизда ишлатиб келинаётган аррали жинлар ДП-130, 4ДП-130, ДПЗ-180 жинларида тола арра тишларидан ҳаво оқими ёрдамида ажратиб олинади. Ҳаво билан ажратиш аррали жин цилиндр ўқиға нисбатан ҳаво сопласининг жойлашишиға қараб юқори ва пастда жойлашган турларға бўлинади. Сўнги йилларда соҳада қўлланаётган деярли барча жинларда цилиндр ўқидан пастда жойлашган ҳаво соплолари қўлланмоқда.

Ҳаво ёрдамида тола ечиб олувчи қурилмалар чўткали қурилмаларға нисбатан кам энергия сарф қилгани, ишончилиги ва ишлаш муддати юқорилиги сабабли мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган барча жин машиналарида кенг жорий этилган. Аммо, ҳисобий энергия сарфи ҳаво ёрдамида тола ечиб олувчи қурилмаларда кам бўлсада, пахта тозалаш корхоналарида ишлатилаётган бундай қурилмаларда ҳисобий қийматдан анчагина юқори энергия сарф қилинмоқда. Масалан, кўпгина корхоналарда 2 та ДП маркали аррали жин учун 10 кВт ўрниға 22, баъзи корхоналарда 30 кВт ли электромоторлар қўлланмоқда. Бунинг асосий сабаби,


мутахассисларнинг тушунтиришича, паст энергия сарфида арра тишларида тола тўлиқ ечилмай қолаётганидир. Натижада, қолдиқ пахта толаси жин ишчи камерасига қайта кириши сабабли жараён иш унуми пасайиши, тола сифат кўрсаткичлари ёмонлашиши, кўп ҳолларда ишчи камерага қайта кирган толанинг ишқаланиш натижасида қизиши ҳамда намлиги юқорироқ бўлган ҳолларда, толанинг эриб, арра тишларига елим каби ёпишиб қолиши кузатилади.

Жараёнда ҳаво сарфининг юқори бўлиши эса чанг ва тола бўлакчалари билан ифлосланган ҳаво миқдорининг кўп бўлиши натижасида кўп миқдордаги ҳавони тозалаш зарурати юзага келиши ҳамда энергия сарфининг кескин ошишига сабаб бўлади. Шунингдек, назарий тадқиқотларимиз арра тишларига илинган тола тутами ҳаво соплоси худудига кириб келишида ўзининг 8-10 мм узунлиги бўйича сопло деворига урилишини кўрсатди. Бу ҳолат толанинг дастлабки сифат кўрсаткичларига салбий таъсир қилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда аррали тола ажраткич билан пахта толасини чигитдан ажратиш машиналарида арра тишларидан толани ечиб олувчи ҳаво соплоси қурилмаси конструкциясини ушбу камчиликларни бартараф қилиш йўналишида такомиллаштириш зарур, деган хулосага келдик.

Илмий адабиётлар ва патентлар базалари таҳлиliga кўра ҳаво оқимини ҳар бир аррага алоҳида йўналтиришга асосланган техникавий ечимда тўхталдик. Шу йўл билан арра тишларига йўналтирилаётган ҳаво сарфини ва, натижада энергия харажатларини ҳам камайтириш имконияти пайдо бўлади.

Ўрганиш учун танланган конструкция схемаси 2-расмда келтирилган.



1-арра, 2- ўлик ажратувчи тўсик, 3-ҳаво йўналтирувчи трубка (найча), 4-ҳаво берувчи қурилма, 5-ўлик пахта учун винтли транспортер, 6-ҳаво қузури, 7- тола ва ҳаво чиқиш йўлаги.


2-расм. Пахта толасини аррадан ечиб олиш қурилмаси.

Аррали жинда пахта толасини аррадан ҳаво билан ечиб олиш қурилмаси қуйидагича ишлайди: аррали цилиндр айланиши натижасида арра 1 тишлари пахта толасини илиб олади ва чигитдан ажратиб, колосник панжараси ортига олиб ўтади. Тола тутами марказдан қочма куч таъсирида арра устида тикланади ва аррадан 1-2 мм масофада жойлашган ўлик ажратувчи тўсиқ 2 га урилади. Бунда тола таркибидаги ифлослик ва ўлик пахта толадан ажралади ва 5-ўлик пахта учун винтли транспортерга тушиб, унда ташқарига чиқади. Қурилмага 6-ҳаво қувури орқали вентилятор билан ҳаво оқими пурқаб берилади ва бу оқим 3-ҳаво йўналтирувчи трубка (найча) лар орқали катта тезлик ва босим билан арра тишларига йўналтирилади. Тола тутами 4-ҳаво берувчи қурилма таъсир зонасига киргач, 3-ҳаво йўналтирувчи трубка (найча) дан пуркалаётган ҳаво оқими таъсирида тишлардан ечиб олинади ва 7- тола ва ҳаво чиқиш йўлаги орқали ташқарига чиқади.

Толанинг найчадан чиқаётган ҳаво оқимига қаршиликсиз кириши учун найча оғзида парабола кўринишида бўйлама қирқим ҳосил қилинган бўлиб, L-қирқим чуқурлиги, С-қирқим кенлиги тажриба орқали аниқланиши белгиланган.

Ҳаво берувчи қурилма Наманган муҳандислик-технология институти пахта муҳандислиги илмий лабораториясида 30 аррали жин машинасига мослаб тайёрланди.

Бошланғич ғоядан четлашмаган ҳолда арра тишларидан толани ечиб олишда ҳаво ва энергия сарфини камайтириш мақсадида соҳанинг малакали мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда қуйидаги техникавий ечим ишлаб чиқилди. Бу ечим бошқа параметрларни сақлаб қолган ҳолда ҳаво пурқаш тирқишининг бир қисмини беркитишга асосланган бўлиб, уни арралар орасига тўғри келадиган масофага муайян кенликдаги резина тикин ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Ишлаб чиқилган тола ечиш қурилмаси схемаси 3-расмда келтирилган.




3-расм. Пахта толасини арра тишларидан ҳаво ёрдамида ечиб олувчи қурилма схемаси

Янги қурилмада ҳаво соплоси 3 нинг устки деворига арралар 1 орасидаги масофанинг ўртасига тўғри келадиган қилиб, ёй шаклида эгилган

пўлат пластина 6 маҳкамланади. Унинг орқа юзасига 2 мм атрофида қалинликка эга бўлган резина пластина 7, олд юзасига эса, қалинлиги ҳаво пуркаш тирқиши кенглигига тенг бўлган резина тасма 9 маҳкамланади. Натижада, тирқишнинг бир қисми беркилади ва резина тиқинлар 9 орасидангина ҳаво пуркаладиган бўлади. Тиқинлар 9 орасидаги масофа унинг кенглигига боғлиқ бўлиб, уни экспериментал йўл билан аниқлаш белгиланди.

30 аррали жин машинасида қўйилган мақсадни амалга ошириш учун 2 мм қалинликдаги 50 мм диаметрдаги пўлат қувурдан 4-расмда тасвирланган пуркагич тайёрланди. Бунинг учун қувурда унинг ички диаметри айланасига уринма тарзда бўйламасига 3 мм кенликдаги тирқиш очилди ва бу тирқишнинг арралар орасидаги масофага мос келадиган қисмини беркитиш учун тирқиш ўлчамидаги қалинликка эга бўлган, турли кенликдаги резина тиқинлар тайёрлаб олинди.



1-сопло, 2-резина, 3-тешик.

4 - расм. Янги таклиф этилган конструкциянинг тажриба нусхаси

Аввалги тадқиқотларимизда 3 мм дан кичик диаметрдаги ҳаво оқимида толани ечиб олиш учун зарур эжекция жараёни ва ҳаво оқимини ҳосил қилиб бўлмаслиги аниқланган эди. Шунга кўра, орасида камида 3 мм тирқиш бўлиши учун резина тиқиннинг энг катта ўлчами 15 мм бўлиши керак. Толани ечиб олишдаги ҳаво сарфини сезиларли даражада камайтириш учун эса, дастлабки тадқиқотлар натижаларига кўра тирқиш кенглиги кўпи билан 9 мм бўлиши кераклиги аниқланди.

Шунингдек, арра тишларидан толани кафолатли ечиб олинишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳаво тезлиги ва босимини аниқлаш учун вентилятор моторига частота ростлагич (инвертер) ўрнатилди.

Толани ечиб олишга арра тишлари баландлиги таъсирини ўрганиш учун Наманган вилояти Чортоқ механика корхонасида тиш баландлиги 1.5 мм, олд қирраси оғиш бурчаги 20 градус бўлган 30 та ва тиш баландлиги 3.5 мм, олд қирраси оғиш бурчаги 40 градус бўлган 30 та арра тайёрлаб олинди. Аввалги тадқиқотларимизда, арра тиши олд қирраси оғиш бурчагининг 20-50 градус қийматларида толани тишлардан ечиб олиш жараёнига таъсири камлиги аниқланганини инобатга олиб, тиш олд қирраси оғиш бурчаги алоҳида омил сифатида қабул қилинмади.

Аввалгидаги каби, аэродинамик ўлчовлар, ҳаво тезлиги ўлчови электрон анемометр, ҳаво босими ўлчови эса электрон микроанометр ёрдамида амалга оширилди. Арра тишларидан толанинг тўлиқ ечиб олинган ёки тўлиқ ечиб олинмаганини аниқлаш учун юқори пикселли тасвирга олиш камерасидан фойдаланилди. Хомашё сифатида С 6524 селекция, 2 ва 3 - саноат нави, қўл терим пахтаси ишлатилди.

Арра тишларидан толани ечиб олиш қурилмаси оптимал параметрларини аниқлаш учун $N=2^3$ кўринишидаги тўлиқ омилли экспериментлар режалаштирилди.

Кирувчи омиллар сифатида қуйидагилар қабул қилинди:

X_1 – арра тишларига пуркалаётган ҳаво тезлиги, м/с;

X_2 – ҳаво соплоси тирқишига ўрнатиладиган резина тиқин кенглиги, мм;

X_3 – арра тиши баландлиги, мм.

Чиқувчи омиллар сифатида қуйидагилар олинди:

Y_1 -тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши, %;

Y_2 –вентилятор моторининг қувват сарфи, кВт/соат.

Кирувчи параметрларнинг ўзгариш чегаралари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кирувчи параметрларнинг ўзгариш чегаралари

№	Омиллар номи ва белгиланиши	Ўзгартириш сатхлари			Ўзгартириш оралиғи
		-1	0	+1	
1	X_1 - арра тишларига пуркалаётган ҳавонинг тезлиги, м/с	35	55	75	20
2	X_2 - ҳаво соплоси тирқишига ўрнатиладиган резина тиқин кенглиги, мм	3	6	9	3
3	X_3 - арра тиши баландлиги, мм	1.5	2.5	3.5	1

Тажриба ўтказиш жараёни ва тегишли индикаторлар кўрсаткичлари юқори пикселли фотовидеоаппарат ёрдамида ёзиб борилди.


Якуний регрессия тенгламалари қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y_1 = 2.58 - 0.21X_1 + 0.14 X_2 + 0.26X_3 - 0.05X_1X_2$$

$$Y_2 = 2.99 + 0.29X_1 + 0.26 X_2 - 0.24 X_3 - 0.1X_1X_3$$

Тенгламаларни кирувчи параметрларнинг турли қийматларида қайта ишлаш йўли билан уларнинг чиқувчи параметрларга таъсири графиклари олинди (5-расм).

Натижаларга эътибор берадиган бўлсак, тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши Y_1 га арра тишларига пуркалаётган ҳаво тезлиги X_1 кучли, аммо салбий таъсир кўрсатади.



5 – расм. Y_1 -тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши ва Y_2 -вентилятор мотори қувват сарфининг кирувчи параметрлар таъсирида ўзгариши

Вентилятор моторининг қувват сарфи Y_2 га арра тишларига пуркалаётган ҳаво тезлиги X_1 кучли ва ижобий, ва ҳаво соплоси тирқишига ўрнатиладиган резина тиқин кенглиги X_2 арра тиши баландлиги X_3 салбий таъсир кўрсатади, яъни ҳаво тезлиги катта бўлса, қувват сарфи юқори бўлиши табиий, чунки кўп ҳаво ҳайдаш учун катта куч керак бўлади..

Оптималлаштириш компьютерда Maple 2021 дастури ёрдамида амалга оширилди. Тола таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши Y_1 ва вентилятор моторининг қувват сарфи Y_2 минимал бўлишини таъминловчи параметрлар сифатида қуйидагилар қабул қилинди:

- арра тишларига пуркалаётган ҳавонинг тезлиги $X_1 = 65$ м/с;
- ҳаво соплоси тирқишига ўрнатиладиган резина тиқин кенглиги $X_2 = 6$ мм;
- арра тишининг баландлиги $X_3 = 2.2$ мм.

Диссертациянинг “**Жин машинаси арраси тишларидан толани ечиб олиш қурилмасининг ишлаб чиқариш синовлари**” деб номланган тўртинчи бобда Арра тишларидан толани ечиб олиш қурилмаси ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида ҳар бир аррага алоҳида ҳаво оқими йўналтиришга асосланган толани ҳаво ёрдамида ечиб олувчи қурилманинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва унинг рационал параметрлари аниқланди.

Арра тишларидан толани ечиб олиш қурилмаси ресурстежамкор конструкциясининг ишлаб чиқариш нусхаси Наманган вилояти Чортоқ механика корхонасида тайёрланди. Бу қурилма ҳаво кириш қузури, ҳаво камераси, ҳамда қурилманинг бутун узунлиги бўйича очилган тирқиш, ҳавони йўналтирувчи цилиндр, тола ва ҳаво чиқиши учун канал ҳамда тирқишнинг

арралар орасидаги масофага тўғри келадиган қисмини беркитиб турадиган ёйсимон пластинкадан ташкил топган.

Пахта толасини арра тишларидан ҳаво ёрдамида ечиб олувчи қурилманинг ишлаб чиқариш нусхаси Наманган вилояти Косонсой пахта тозалаш корхонасида қўлланаётган 4ДП-130 аррали тола ажратиш машинасига амалдаги ҳаво пуркаш қурилмаси ўрнига ўрнатилди.

Ишлаб чиқариш синовларида олинган маълумотларга кўра янги жиндан кейин толадаги нуксонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 0,6% га камаяди. Олиб борилган ҳисоб-китоблар ўрта қувватли корхонада пахта толасини арра тишларидан ечиб олиш қурилмасини жорий қилишдан олинган йиллик иқтисодий самара 93718,4 минг сўмни, ёки битта жинга йилига 46859,2 минг сўмни, ёки чиқарилаётган 1 тонна толага 22,093 сўмни ташкил қилишини кўрсатди.

Хулосалар

«Аррали тола ажратиш машинасида пахта толасини арра тишларидан ечиб олиш жараёни самарадорлигини ошириш» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинган:

1. Арра тишларига пахта толаларининг илиниши жараёнини ўрганилганда тола узунлигининг арра тишлари ўлчамларидан бир неча баробар катта эканлиги натижасида, толанинг арра тишлари юқори қисмига илашиб қолиши ҳамда толаларнинг ўзаро чалкашиб, битта тишга илинган толанинг кейинги тишлар ишчи юзасини тўсиб қолиши оқибатида арра тишларининг толаларни илиб олиш қобилияти йўқолиши сабабли аррали жинлашдаги иш унуми муайян чегарадан ошмаслиги аниқланган.

2. Аррали жинлаш жараёни иш унумини ошириш учун арра тишлари учини ён томондан 0.1 mm гача чархлаш, арра ёйи узунлиги бўйича 0.1 mm қалинлик бериш ва қирраларини тўмтоқлаштириш йўли билан арра учини 0.1 mm радиусда юмалоқлаш орқали толанинг арра учига илашишини бартараф қилиш ва тишнинг тола массаси орасига киришини осонлаштиришга асосланган техникавий ечим ишлаб чиқилган.

3. Арранинг бурчак тезлиги ва иш унумдорлигини унинг диаметри ва арра тишининг олд қиррасида толани ушланиб туриш бурчагининг турли қийматларига боғлиқ ўзгариши қонуниятлари таҳлилига кўра, арра тишлари олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини амалдаги 40° дан 20° га келтириш аррали жинлаш жараёни кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмаслиги, аммо, толани арра тишларидан ечиб олишни осонлаштириши аниқланган.

5. Пахтани аррали жинлаш жараёни самарадорликни янада ошириш, арра тишлари ёрдамида пахта чигити дастлабки сифат кўрсаткичларини максимал даражада сақлаб қолиш ҳамда арралардан фойдаланиш ресурсини 2-3 баробар ошириш учун арра тишлари баландлигини 2,2 mm га ва арра тишларидан толани кафолатли ечиб олиш ҳамда бунинг учун сарфланадиган энергия сарфини камайтириш учун арра тишлари олд қиррасининг арра

радиусига нисбатан оғиш бурчагини 20^0 га келтириш кераклиги назарий асосланган.

6. Аррали жин машинаси ҳаво ёрдамида тола ечиш қурилмалари иши ўрганилганда, паст энергия сарфида арра тишларидан тола тўлиқ ечилмай қолаётгани, натижада, қолдиқ пахта толаси жин ишчи камерасига қайта кириши сабабли жараён иш унуми пасайиши, тола сифат кўрсаткичлари ёмонлашиши аниқланган.

7. Аррали тола ажратиш машинаси учун маҳсулот сифатини сақлаш ва энергия сарфини камайтириш имконини берувчи пахта толасини арра тишларидан ҳаво ёрдамида ечиб олиш қурилмаси конструкцияси ишлаб чиқилган ва тажриба ҳамда ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилганда олинган натижалар асосли эканлиги аниқланган.

8. Ишлаб чиқариш синовлари натижаларига кўра жин арраси тишининг баландлиги 2.2 мм, ҳаво пуркагич тирқишларидан бериладиган ҳавонинг тезлиги 65 м/с, тирқишнинг арралар орасига тўғри келадиган қисмини беркитадиган тиқиннинг кенглиги 6 мм бўлганда амалдаги машинадагига қараганда толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши 0.6 - 0.9%, чигитнинг механик шикастланганлик даражаси 0.4 - 0.9%, жиндан чиққан чигитнинг қолдиқ толадорлиги эса 1.3 - 1.7% га камайиши. толанинг штапел масса узунлиги 0.4 - 0.2% га ортиши аниқланган.

9. Пахта толасини арра тишларидан ечиб олиш қурилмасини жорий қилишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 93718,4 минг сўмни, ёки битта жинга йилига 46859,2 минг сўмни, ёки чиқарилаётган 1 тонна толага 22,093 сўмни ташкил қилиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХУСАНОВА ШОХИДА АЛИБЕК ҚИЗИ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА СЪЕМА
ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА С ЗУБЬЕВ ПИЛ НА ПИЛЬНОМ
ВОЛОКНООТДЕЛИТЕЛЕ**

05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2022.1.PhD/T2707

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом и Наманганском инженерно-технологическом институтах.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель

Саримсаков Олимжон Шарипжанович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафаров Назиржон Мухаммаджонович
доктор технических наук, доцент
Хакимов Шеркул Шергозиевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «10» сентября 2022 года в 11.00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, 3-здание, 2-этаж Наманганского инженерно-технологического института, зал Научного совета, тел: (69)228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №470). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «10» сентября 2022 года
(реестр протокола рассылки №80 от «10» сентября 2022 года)

Р.Муратов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Х.Т. Бобожанов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук

К.М. Холиков

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. На мировом рынке существует высокий спрос на изделия из хлопкового волокна, которое является самым безвредным продуктом для организма человека. По данным Международного консультативного комитета (ICAC), «мировое производство хлопкового волокна оценивается в 25,68 млн тонн в год, а мировое потребление хлопка, как ожидается, увеличится до 26,7 млн тонн»¹. Соответственно, требования к хлопковому волокну и его качеству относительно высоки в странах-экспортерах хлопкового волокна, и особое внимание уделяется внедрению ресурсосберегающих приемов и технологий, позволяющих повысить качество продукции и обеспечить конкурентоспособность в целях поддержания ее престижа на международном рынке хлопка.

В связи с растущим спросом на хлопчатобумажную продукцию в мире крупные хлопководческие страны проводят масштабные исследования по совершенствованию техники и технологий первичной переработки хлопка и созданию их научной базы. В связи с этим важным является повышение производительности хлопкоперерабатывающих машин, в том числе разработка математических моделей процессов и методов оптимизации, создание ресурсоэффективных структур рабочих органов, сохранение природного качества хлопкового волокна и снижение себестоимости продукции. В то же время вопросы разработки и обоснования параметров ресурсосберегающих рабочих органов, не влияющих отрицательно на качество продукции для волокноразделительной машины, также актуальны для всех хлопкосеющих стран.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан ПФ-60 от 28 января 2022 года «О новой Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы» перед производством поставлены задачи «...удвоение производства текстильной продукции, широкое внедрение программ повышения производительности труда в отраслях,...снижение потерь и повышение эффективности использования ресурсов». Для выполнения этих задач разработка новой конструкции устройства воздушного съема волокна на пильных волокноотделителях, обеспечивающего экономию ресурсов, повышение эффективности процесса и позволяющего сохранить природные свойства волокна, является одной из важных задач, стоящих перед хлопкоочистительной отраслью страны.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 21 января 2022 года «О мерах по стимулированию производства продукции глубокой переработки и производства готовой

¹<https://www.theworldcounts.com/challenges/consumption/clothing/world-cotton-production-statistics/story>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» ОФ-60.<https://lex.uz/ru/docs/5841063>

